Инв. 275
Гос. книжная палата УзССР
21 МАР 1983

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 60 (5051).
17 МАРТ 1983 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Бугун ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг тўртинчи сессияси бўлиб ўтди.

«Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Бош бошқармалари, бошқармалари, бўлимлари, трестлари ва бирлашмалари, халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари, шаҳар корхоналари ва ташкилотларининг Тошкент шаҳрининг 2000 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш бўйича ишлари аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари тўғрисида» халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Қозимов доклад қилди.

Депутатлар, шунингдек, халқ депутатлари шаҳар Совети социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш бўйича доимий комиссияси иши тўғрисидаги ҳамда ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг биринчи ва иккинчи сессияларида айтилган танқидий фикр ва мулоҳазаларнинг бажарилиши ҳақидаги ахборотларни тингладилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессия тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида ёритилади.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ 15 март куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов раислигида СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис ҳақидаги ҳисобот тонгги газеталарда эълон қилинган.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ЧОРЛАЙДИ

Роса бир ойдан кейин 16 апрель тонг отарида Октябрь революцияси номли заводнинг паровоз гудоги меҳнат байрами — В. И. Ленин туғилган куннинг 113 йиллигига бағишланган коммунистик шанбаликнинг бошланганлиги ҳақида бонг уради. Юзминглаб тошкентликлар хайрли анъанага содиқ қолиб корхоналарда, қурилиш, транспорт, алоқа объектлари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида ўз иш жойларини эгаллайдилар.

Шаҳарда москваликлар ташаббуси кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда. Меҳнаткашлар шанбаликни аҳилона ўтказиш, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш ва шанбаликдан тушган маблағни якдиллик билан беш йиллик фондига топширишга қарор қилдилар. Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводи, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи», В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмалари, тўқимачилик комбинати, 11-«Висотстрой» қурилиш трести, «Главташпассавтотранс»га қарашли 1-автомобиль комбинати ва бошқа коллективларда меҳнат байрамига фаоллик билан тайёргарлик кўрилмоқда. Бу корхоналарда моддий-техник ресурслар ҳисобга олиниб, иқтисод рақамлари аниқланмоқда. Шунингдек, меҳнат байрамини ўтказиш йўналишлари ва бажариладиган ишлар ҳажми белгиланмоқда.

Шулар билан бир қаторда ҳамма корхона ва ташкилотларда ҳам иш кўнгилдагидек кетяпти деб бўлмайди. Баъзи корхоналар, ташкилот ва идораларда шанбалик штаблари тузилмаган. Иқтисод фонди учун мўлжалланган материаллар, хом ашё, ёнилғи ва электр энергиясини тежаш учун кураш дуруст ташкил этилмаган. Ҳолбуки, ишлаб чиқариладиган буюмларнинг асосий қисми ана шу материаллар ва электр энергияси ҳисобидан тайёрланиши керак. Шанбалик ўтказиш планларида асосий эътибор ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларига қаратилмоғи лозим.

16 апрель куни ҳақиқий меҳнат байрами саналади. Шунинг учун амалга ошириладиган ишлар планини атрофлича ўйлаб, уни барча деталларигача тадбиқ этиш лозим. Жойларда юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун энг яхши шарт-шароитларни вужудга келтириш, коммунистик шанбалик қатнашчиларининг бир жон, бир тан бўлиб меҳнат байрамини муваффақиятли ўтказишларини таъминлаш керак.

АҲДИМИЗ ҚАТЪИЙ

Москвадаги илғор саноат корхоналари коллективларининг шу йил 16 апрелда В. И. Ленин туғилган куннинг 113 йиллиги шарафига Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш бўйича ташаббусини коллективимиз аъзолари якдиллик билан қўллаб-қувватлашди. Фабрикамизда йил бошидан жонажон шаҳримиз Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи шарафига ўзаро меҳнат беллашуви қизимоқда. Ишчилар ўртасидаги шахсий мусобақада пластмасса цехининг прессловчиси Елена Семченко, қуюв цехининг қадоқловчиси Гули Расулова, картон цехининг ишчиси Насиба Саъдиева каби машъалларимиз пешқадамлик қилишяпти. Бу ишчилар 16 апрелда бўладиган меҳнат байрамида ҳам фаол иштирок этишга, унумли меҳнат қилиб смена топшириғини камида 121—130 процентга етказиб адо этишга ваъда беришди.

Мен бошлиқ бригада коллективи ҳам мана шу илғорлардан намуна олди. Бригадамизнинг 15 нафар ишчиси шанбалик куни ҳар вақтдагидан кўп маҳсулот қадоқлашга, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишди.

Фабрика касаба союз комитети меҳнат байрами куни қилинадиган ишларни олдиндан белгилаб қўйди. Шу куни 500 киши ўз иш жойларида меҳнат қилади, 300 киши корхона территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланади. Жаъми 110 минг сўмлик товар маҳсулот тайёрланади, 300 погон-метр суғориш тармоқлари тозаланади, дарахт ва гул кўчатлари ўтказилади. Фабрика ҳовлиси ободонлаштирилади. Шу куни топилган 1200 сўм иш ҳақи беш йиллик фондига ўтказилади.

Л. АНУФРИЕВА,
упа-элик фабрикаси қуюв цехининг қадоқловчилар бригадаси бошлиғи, коммунистик меҳнат зарбдори.



* * *

СУРАТДА: бирлашма асбобсозлик цехининг халқ назоратчилари М. Кенисарин, А. Главлютов, Б. Ёртиевлар корхонада янги ўрнатилган металлга қайта ишлов бериш дастгоҳларини кўздан кечирмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

ЖИҲОЗЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош заводининг кўпгина цехларида технологик жиҳозларни алмаштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бу — ишчиларнинг янада сифатлироқ, юксак унумдорлик билан ишлашларини талаб қилади.

16 апрель — коммунистик шанбалик куни корхонанинг кўплаб ишчилари янги дастгоҳларда меҳнат қиладилар. Бу уларга «қизил шанбалик» куни юксак меҳнат самарадорлигига эришишларини таъминлайди.

Бирлашма коллективи меҳнат байрами куни тежалган электр энергияси ва ёнилғи ҳисобига ишлашга қарор қилган. Шу куни ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг бир қисми иқтисод қилинган материаллар ҳисобига тайёрланади.

Юксак унумдорлик билан

Смена топшириғини 19 процент ошириб бажариш, саноат маҳсулотининг учдан икки қисмини тежалган хом ашё, материал ва электр энергияси ҳисобига ишлаб чиқариш — фурнитура-пластмасса тажриба заводи коллективининг 16 апрелга олган мажбуриятининг асосий бандларидан саналади.

Корхона ишчилари 16 апрель куни республика енгил саноат корхоналари учун 3 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишган. Бу ҳар кунгидан анча кўпдир.

Бизнинг слесарлар бригадамиз ишлаб чиқариш программасини 122 процентдан ошириб бажаришга сўз берган.

Инженер-техник ходимлар ва хизматчилар, шунингдек, пенсиядаги меҳнат ветеранлари ҳам меҳнат байрамида якдиллик билан иштирок этиб, ободонлаштириш ишлари билан шуғулланадилар.

Партия бюроси ва шанбалик штабида ленинча шанбаликни идеологик таъминлаш бўйича ўтказиладиган тадбирлар муҳокама қилинди. Эрталаб қисқача митинг бўлади, шанбаликнинг ҳар бир қатнашчиси кўксига эса қизил ленталар тақилади. Меҳнат байрами жараёнида «жанговар варақалар», фотомонтаж ва «Чақмоқ» деворий газеталари чиқарилади.

Шунингдек, шанбалик қатнашчиларини корхона ҳисобидан тўйимли овқатлар билан таъминлаш тадбирлари ҳам белгиланди.

16 апрелда ишлаб топилган барча маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

В. КАРЕВ,

слесарлар бригадаси бошлиғи, фурнитура-пластмасса тажриба заводи партия бюроси аъзоси.

РЕЖАЛАР АНИҚ

«40 минг сўмлик иш бажарамиз!» — «Госкомсельхозтехника»га қарашли тажриба-ремонт механика заводи коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 113 йиллиги шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбалик куни амалга ошириладиган иш кўлами нинг рақамлардаги ифодаси ана шундай. Завод ишчилари москваликларнинг хайрли ташаббусини қўллаб-қувватлаб, апрелнинг учинчи шанбасини ҳақиқий меҳнат байрамига айлантиришга бел боғлашган.

Айни пайтда корхонада меҳнат байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича шанбалик штаби қизғин иш олиб бормоқда. Шанбалик куни бажариладиган ишларнинг йўналишлари ва бошқа бир қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда. Шанбалик штаби қошида ташкил қилинган меҳнат ветеранлари советининг ҳар ҳафта бўладиган йиғилишида меҳнат байрамини ўтказишнинг қўшимча ва ташкилий тадбирлари ҳам муҳокама қилинмоқда.

Меҳнат байрами куни заводнинг 850 нафар ишчиси ўз иш жойларида меҳнат қилади. Шу куни 32 та двигатель таъмирдан чиқарилиб, 15 та пресс тайёрланади. Бундан ташқари, корхона территориясида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. 400 погон-метр суғориш тармоқлари тозаланиб, 240 туп яшил тўсиқ ва кўчатлар ўтказилади. Корхонанинг В. Казачков, В. Пак, А. Ротов, О. Ортиқов ва Н. Петрякова сингари фидойилари шанбалик куни иш нормасини 1,5—2 бараварга етказиб бажаришга сўз беришган. Ишчилар 1,7 минг сўмлик маблағни беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилишган.

Ободонлаштиришга алоҳида эътибор

«Промсвязь» заводи коллективи 16 апрелда иккита мураккаб системали контроль-сигнал қурилмалари, бешта юксак қувватли электр шчитлар, дала шароитларида кабелларнинг чидамлилигини таъминлайдиган иккита қурилма ишлаб чиқаришга сўз берган. Корхона ишчилари 16 апрелни меҳнат байрами деб эълон қилишга якдиллик билан қарор қилдилар. Дмитрий Гауптман бошлиқ монтажчилар, Юрий Рамазонов бошлиқ гальваниклар бригадалари шу куни ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини ошириб, юксак кўрсаткичларга эришишга қарор қилдилар.

Шанбалик ўтказиш штаби белгилаган тадбирларда ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилган. Корхона территориясида 230 туп кўчат ўтказилиши, суғориш шохобчалари тозаланиши ва корхонага қарашли майдонларни тартибга келтириш ишлари мўлжалланган.

Шанбаликдан тушган 1000 сўмдан зиёд маблағ эса беш йиллик фондига ўтказилади.

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

Абразив комбинатининг барча ишлаб чиқариш участкаларида меҳнат байрамига пухта тайёргарлик кўриляпти. Барча цехларда тежамкорлик ҳисоб-китоби йўлга қўйиляпти, моддий-техника воситалари ҳисобга олиняпти, резервлар ишга туширилмоқда. Бу нарса 16 апрелда оз меҳнат ва материал сарфлаб кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Шу куни фақат олмос буюмлардан 20 минг сўмлиги тайёрланади. Буюртма бўйича монокорунд, синтетик олмос ва ўта чидамли материаллардан 12 минг сўмлиги тайёрланиб истеъмолчиларга юборилади.

Шу кунги фойда ва иш ҳақи — бу 3 минг сўмдан ортиқроқ бўлади — тўлалигича ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

КУЧ-ҒАЙРАТНИ АКТИВЛАШТИРИШ ЗАРУР

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров раислигида Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича шаҳар ташкилий комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда пойтахтнинг Сергели райони бу шонли санага қандай тайёргарлик кўраётгани ҳақидаги ахборот тингланди.

Район партия комитети, халқ депутатлари район Советининг ижроия комитети, бошланғич партия ташкилотлари Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун муайян ташкилотчилик ва сиёсий ишларни олиб бордилар. Район саноати асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топшириқларни бажармоқда. Маҳсулот реализация қилишнинг ўсиш суръатлари 116,3 процентни, ишлаб чиқариш ҳажми бўйича эса 113,6 процентни ташкил этди. Бу ўсишнинг 78 процентига меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига эришилди.

Беш йилликнинг ўтган икки йили ичида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш 13,5 процент кўпайди. Районда ҳозир жаъми саноат маҳсулотларининг 50 процентга яқинини кенг истеъмол буюмлари ташкил этади.

Тошкент юбилейигача райoннинг беш цехи, 20 дан зиёд бригадаси, 1500 га яқин ишчиси беш йилликнинг уч йили планини бажариш мажбуриятини олди.

Шаҳар юбилейига белгиланган тадбирларни бажара бориб, капитал қурилиш соҳасида юбилей объектларига асосий эътибор қаратилмоқда.

Кейинги вақтларда районда аҳолига транспорт хизмати яхшиланди. Савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланишни янада яхшилаш, район магистраллари ва турар жой кварталларини ободонлаштириш бўйича белгиланган тадбирларни бажариш юзасидан муайян ишлар қилинди. Шу билан бирга мажлисда таъкидлаб ўтилдики, шаҳар юбилейига тайёргарликда ҳали камчилик ва нуқсонлар бор. Ҳамма кўча, ҳамма турар жой кварталларидаги биноларнинг олд томонлари тартибга келтирилган деб бўлмайди, айрим турар жой бинолари кўримсиз, уларни оқлаш ва бўяш талаб этилади. Районнинг баъзи магистралларида ўтиш жойларини ремонт қилиш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш бўйича ишларни амалга ошириш лозим.

Мажлисда шунингдек, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлиги ва Ўзбекистон Телеграф агентлигининг Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик кўриш бўйича белгиланган тадбирлари қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги ахборотлар тингланди.

Мажлисда шу нарса қайд этилдики, ҳозир, яъни Ўзбекистон пойтахтининг шонли юбилейига тайёргарлик ҳал қилувчи паллага кирган бир пайтда меҳнат коллективлари куч-ғайратини активлаштириш керак, токи Тошкент меҳнаткашлари бу муҳим ишда ғоят фаол иштирок этсинлар.

РАСМИЙ АХБОРОТ

Тошкент шаҳар партия комитетида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров раислигида шаҳар партия комитети сиёсий докладчиларининг бўлажак ягона сиёсий кунга бағишланган инструктив кенгаши бўлиб ўтди. «Тошкентнинг 2000 йиллигини муносиб кутиб олайлик» — эртага шаҳар меҳнат коллективларида ўтадиган навбатдаги ленинча жумаликнинг мавзуи ана шундай.

Сиёсий докладчилар олдига Тошкент меҳнат коллективларининг шонли юбилейга тайёргарлик юзасидан фаолиятини, ана шу ишларни янада такомиллаштириш масалаларини кенг ёритиш вазифалари қўйилган.

* * *

Тошкент шаҳар партия комитетида агит-коллективлар, сиёсий ахборотчилар группаларининг раҳбарлари, аҳоли истиқомат жойларида оммавий-сиёсий ишларнинг ташкилотчилари учун оммавий-сиёсий ишлар бўйича шаҳар ахборот конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин очди.

Йиғилганлар ҳузурида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ш. Ҳожимуродов сўзга чиқди. У Тошкентдаги меҳнаткашларга хизмат кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг янги иш режимига ўтиши ҳақида гапирди.

Тошкент шаҳри прокурори Ғ. Бухоров ўз нутқини жамиятга зид ҳодисаларга қарши курашни кучайтириш, давлат интизомини мустаҳкамлаш масалаларига бағишлади.

Тошкент пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш Бош бошқармаси бошлиғи Ж. Шораҳмедов «КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари асосида Тошкентда пассажир автотранспорти ишини яхшилаш тўғрисида» мавзуида сўзга чиқди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармаси бошлиғи Н. Аҳмедов ўз нутқини савдо корхоналари ишини такомиллаштириш масалаларига бағишлади.

* * *

Халқаро бирдамлик куни — 1 Майга тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича шаҳар байрам комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров сўзга чиқди. У шаҳар байрам комиссиясининг иш планлари ва Тошкентда Халқаро бирдамлик кунига тайёргарлик ва уни ўтказишга доир тадбирлар ҳақида ҳикоя қилиб берди.

В. И. Ленин номли майдонни ва Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари вакилларининг бош колоннасини сиёсий безаш қандай бораётганлиги ҳақидаги ахборот тингланди.

Намойишчилар колонналарининг ўтиш тартиби ва пойтахт меҳнаткашлари вакилларининг намойиши вақтида В. И. Ленин номли майдонда жамоат тартибини таъминлаш ҳақида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи И. Ғ. Сатторов ҳикоя қилиб берди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Ҳар кун ғанимат

Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига тайёргарликнинг боришини назорат қилиш бўйича шаҳар комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Қозимов олиб борди.

Ҳозир шаҳар юбилейига тайёргарлик кўришнинг ҳал қилувчи даври бошланди. Айниқса, ободонлаштирувчилар кўп ишларни бажаришлари лозим бўлади. Комиссия мажлисида гаражларни тартибга солиш, очиқ стоянкалар қуриш тўғрисида сўз юритилди. Қисқа муддат ичида турар жой массивлари ҳуснини бўғиб турган гаражлар олиб ташланиши керак.

Шаҳар чиройига-чирой қўшишда ранг-баранг чироқлар катта аҳамиятга эга. Шаҳарни ёритиш идораси уларни ремонт қилиш ва ўрнатишни планли равишда изчил амалга оширмоқда. Юбилейгача қолган даврда иллюминация чироқларини янгилаш, кўчалар, майдонлар ва хиёбонлар ёритилишини яхшилаш бўйича ишларни тезлаштиришлари лозим.

Комиссия мажлисида Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик бўйича ишларни жадаллаштиришга қаратилган конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми адабиёт соҳасидаги хизматлари учун ёзувчилардан Бобомурод **Даминов**, Юрий Алексеевич **Ковалев** ўртоқларга ҳамда шоир ва драматург ўртоқ Ҳусниддин **Шариповга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада малакали юрист кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети кафедралари доцентлари Ҳабибулла Муллабердиевич **Абдуалиев**, Константин Игнатьевич **Чернов** ва Шоакбар Шорустамович **Шораҳметов** ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хиз-

Одоб-ахлоқ ҳақида

оқшом суҳбатлари

ДИЛКАШ КИШИЛАР

Эл-юртнинг хизматини қилган, меҳнатда тобланган одам бахтли бўлади. Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трестининг 10-қурилиш бошқармасида кўп йиллардан бери ишлаётган Анвар Йўлдошев шундай ҳурматга сазовор бўлган инсонлардан бири. Юқоридаги сарлавҳали мақолада меҳнатда чиниққан шу ҳамшаҳримиз ҳақида сўз боради.

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ»

Бугун ана шу анкета саволларига Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмаси мастери, Акмал Икромов район Совети депутати Маҳбубахон Сайфутдинованинг жавоблари эълон қилинмоқда.

«ЛАББАЙ, СИЗНИ ЭШИТАМАН...»

Ушбу мақолада кишиларнинг бир-бири билан телефон орқали гаплашиш маданияти ҳақида ҳикоя қилинади.

БЕЛИ ОҒРИМАГАНЛАР

Ҳаётини кайфу-сафолар билан, енгил-елпи ҳаёт кечириш билан ўтказадиган баъзи бир онлалар шу сарлавҳа остида берилаётган материалда танқид ўти остига олинган.

БЕМЕҲРЛИК ШУНЧАЛИКМИ?

Ўз фарзандига ҳатто алимент пули тўлашга ҳам дили оғрийдиган кимсаларга нима деса бўлади? Ушбу мақолада шундай бемеҳр кимсалардан бири ҳақида сўзланади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ **БЕРЛИН.** ГДР машинасозлари шу беш йилликда қишлоқ хўжалик машина-механизмлари ишлаб чиқаришни қарийб 50 процент кўпайтиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Дрезден округининг Нейштадт шаҳридаги қишлоқ хўжалик машиналари комбинатининг меҳнаткашлари бу топшириқни бажариш ишига асосий ҳисса қўшмоқдалар. Корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот республиканинг ўзидагина кенг машҳур бўлаётгани йўқ. Комбинат маркаси қўйилган қишлоқ хўжалик машиналари 35 мамлакатда, шу жумладан, Совет Иттифоқида ишлаб турибди.

Салкам 50 та заводни бирлаштирган комбинатнинг ҳозирги ишлаб чиқариш программасида юзлаб номдаги серунум машина ва агрегатлар бор.

Нейштадт машинасозлари яқинда ғалла йиғиш комбайнларининг янги турларини ишлаб чиқаришга киришдилар. Бу машиналар бундан аввалги моделлардан анча устун туради. Шу беш йилликда дон, картошка, озуқабоп экинларни йиғиштириб ва қазлаб оладиган 60 та янги ва такомиллаштирилган машинани кўплаб ишлаб чиқаришни 1985 йилгача ўзлаштириш комбинат олдига вазифа қилиб қўйилган.

▲ ПРАГА. Чехословакиянинг Кремнице шаҳридаги зарбхона турли мамлакатларнинг буюртмалари асосида бу йил 200 миллионтадан кўпроқ танга чиқаради. Металл пуллар ишлаб чиқарадиган жаҳондаги энг йирик зарбхоналардан бири бўлган бу корхона ўзининг қадимий анъаналарига эга. Корхона маҳаллий олтин ва кумуш конлари базасида XIV асрда барпо этилган эди.

Асримизнинг 60-йиллари охирига келиб, Кремницедаги қимматбаҳо руда запаслари камайди. Бироқ, зарбхонанинг реконструкция қилинганлиги унинг шонли анъаналарини сақлаб қолишнигина эмас, шу билан бирга кўпайтириш имконини ҳам берди. Корхонада чет давлатларнинг буюртмалари асосида металл пуллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Масалан, бу йил Куба кўп миқдорда — 150 миллионта ўз тангалари — сентавони олади. Кремницелик усталар Венгриянинг буюртмаси бўйича эса форинт ва филлерни зарб қилиш учун 50 тонна махсус пластиналар тайёрлаб берадилар.

▲ **КОПЕНГАГЕН.** Дания пойтахтидаги энг йирик «Бурмейстер ОГ Вайн» кемасозлик корхонасининг маъмурияти яқин вақт ичида кўплаб кишини ишдан бўшатажагини эълон қилди. Тез орада 450 ишчи, яъни корхонада банд бўлган барча ишчиларнинг тўртдан бир қисми ишсиз қолади.

Кемасозлик корхонасининг раҳбарлари ўз қарорини ҳозирги вақтда Дания кемасозлик саноатида бошланган танглик билан изоҳламоқда. Буюртмаларнинг йўқлиги сабабли корхоналарнинг эгалари ишлаб чиқаришни қисқартириб, кўплаб ишчиларни ишдан бўшатишга мажбур бўлмоқдалар.

▲ ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Карл Либкнехт номли социалистик ёшлар иттифоқи активистлари ишсиз ёшлар билан биргаликда Нейкельн районида «Визга ракеталар эмас, балки иш керак» деган шиор остида шаҳар сенатининг сиёсатига қарши норозилик намойиши ўтказдилар. Шаҳар сенатининг сиёсати ёшлар ўртасида ишсизларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Намойишчилар тарқатган варақаларда ҳозирги вақтда Ғарбий Берлиндаги 20 ёшгача бўлган ҳар беш кишидан бири иш топиш ёки ишлаб чиқаришда шогирд бўлиб ишлаш имкониятидан маҳрум эканлиги уқтириб ўтилган эди.

(ТАСС).

«ЁЗГИ» ВАҚТГА

СССР ягона вақт ва эталон частота давлат комиссияси 1983 йилнинг 1 апрелидан бошлаб Совет Иттифоқининг бутун территориясида «ёзги» вақт жорий этилишини маълум қилади.

1 апрель соат 0 да соат стрелкаси бир соат олдинга сурилиб, «ёзги» вақтга ўтилади.

КОНТЕЙНЕРДА ЮК ТАШИШГА—ЯШИЛ ЙЎЛ

Марказлашган усулда юк ташиш Тошкент шаҳар автомобиль трести халқ хўжалик юкларини ташиш бўйича республикадаги йирик транспорт бўлинмаларидандир. Бу трест бугунги кунда йилига 30 миллион тоннага яқин юк ташияпти. Бу ерда 7,5 минг киши муваффақиятли меҳнат қиляпти, автомобиль парки 5 минг кишидан ортиқ. Контейнерларда, пакетларда ва поддонларда юк ташиш йилдан-йилга ортмоқда. Илғор усулда халқ хўжалиги юкларини ташишдан ўтган йили 1 миллион сўмликдан ортиқ фойда олинди. Трест раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолишмаяпти. Трест ва «Узавтотранстехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳаракати билан нон маҳсулотлари ташишга ихтисослашган 15 та автомашина тайёрланди. Бу йил «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси «КС—8» маркали автомобиль — контейнеровозлардан яна 12 та тайёрлайди. Трест мутахассислари Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармаси ва «Ташкентхлеб» бирлашмаси билан биргаликда Тошкент шаҳридаги савдо шаҳобчаларида текшириш ўтказиб, нон-булка маҳсулотларини контейнерларда қабул қилиш ва сотиш имкониятларини ўргандилар. Текшириш шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳрининг савдо шаҳобчалари ҳар куни 60 тонна нон маҳсулотларини контейнерларда қабул қилиши ва сотиши мумкин экан, трест республика озиқ-овқат саноати министрлиги, савдо, мева-сабзавот министрлиги билан мустаҳкам алоқада ишлаяпти. Бутун куч ва ҳаракат барча министрликлар ва идораларнинг илғор методлардан самарали фойдаланиш бўйича ўзаро фойдали ҳамкорлигига қаратиляпти. Куни-кеча Тошкентда бўлган «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Халқ хўжалиги юклари ва йўловчиларни ташишни ташкил этишни планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг корхона ва ташкилотлар иши самарадорлигини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисидаги қарори асосида юкларни контейнерларда, пакетларда ва поддонларда ташишни ривожлантириш истиқболлари» семинар-кенгашда бу ҳақда атрофлича сўз юритилди. Семинар-кенгаш ишида партия, совет органлари, министрликлар ва идоралар, корхоналар, бошқармалар, бирлашмаларнинг юкларни контейнерларда ташишни ишлаб чиқаришга жорий этишга бевосита даҳлдор вакиллари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трести бошқарувчиси М. М. Алиев, «Ташкентхлеб» бирлашмаси бош инженери Г. Ю. Юсупов, «Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош инженери А. Я. Чекушин ва бошқалар доклад қилишди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари ва меҳмонлар «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этган «Контейнерда юк ташиш» кўргазмасини томоша қилишди.

Семинар-кенгаш ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов иштирок этди.

А. АЛИМОВ.

ШАҲАР ЮБИЛЕЙИГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

6. «ҚЎЙЛИҚ» МАССИВИДАГИ МУАММОЛАР

Утган йил баҳорда редакциямизга қуйидаги мактуб келганди:

Ҳурматли редакция! Биз «Қўйлиқ—4» массивининг 35-уйида яшаймиз. Бу массив 1976 йилда қурилган. Партия ва ҳукуматимиз ғамхўрлиги туфайли турар жой районимиз йилдан-йилга ободонлашиб боряпти.

Лекин бу ерда бизни ташвишлантираётган битта муаммо бор. Гап шундаки, бизнинг 35-уйимиз Толариқ бўйида жойлашган. Бу канал баҳор пайтида тошади ва бутун қирғоқ, шу жумладан, бизнинг уйимиз ертўласи сув остида қолади. Бунга сабаб, биринчидан, бизнинг уйимиз Толариқ ўзанидан паст бўлган ерга қурилган. Иккинчи сабаб, Толариқнинг ўнг қирғоғи (болалар боғидан Ким Пен Хва кўчасигача) гаражлар шаҳарчасига айлантирилган. Бу гаражларнинг эгалари Толариқни ўзига хос ахлатхонага айлантиришган.

Утган йили бу ерда сув жуда ёмон тошди. Биз кечаси билан ухламадик, турли идораларга қўнғироқ қилдик, лекин фойдаси бўлмади. Бир кун ўтгач Ленин район турар жой бошқармасидан вакил келиб, канал сувини бўғиш учун шлюз қурамиз, деб кетди.

Бир йил ўтди. Аммо ҳамон шлюздан дарак йўқ.

И. МИСКА, Ф. ХОЛХУЖАЕВ, В. ИВАНОВ ва бошқалар.

Адашмасак, ўтган йил март ойи бошлари эди. Биз даставвал бу мактубни кўтариб 53-ЖЭК раҳбарлари олдига бордик. Улар шикоят ўринли, лекин ЖЭК бу масалада бирон чора кўришга ожиз эканлигини айтишди. Уларнинг фикрича, канални фақат техника ёрдамида тозалаш мумкин. Бунинг учун гаражларни кўчириш лозим.

Шундан кейин Ленин район ижроия комитети раисининг ўша вақтдаги ободонлаштириш ишлари бўйича ўринбосари Ж. Максудов билан учрашдик. У киши бу масала шу йил ёзда ҳал бўлажагини айтди.

—Май ойида Сомонбозор ёнига Толариқ ёнидаги ҳамма гаражлар кўчирилади. Шундан кейин Толариқни тозалаб, икки ёнини бетон билан кўтарамиз. У одамларни ташвишлантирмайдиган бўлади,— деганди раис ўринбосари. — Фақат шугина эмас, гаражлар кўчирилгач «Чебурашка» болалар боғи Ким-Пен-Хва кўчасигача чўзилади. Толариқ атрофи одамлар ҳордиқ чиқарадиган хиёбонга айлантирилади.

Биз бу сўзларга ишонгандик. Шундан бери раҳбар ўзгарди. Эндиликда районда ободонлаштириш ишига Б. Н. Мақсудхўжаев бошчилик қилаяпди. Яқинда «Қўйлиқ» массивини айланганимизда орадан бир йил ўтганига қарамай, ваъда бажарилмаганлигининг шоҳиди бўлдик.

Толариқда ҳозир сув кам. Шунинг учун уни томоша қилиб, редакцияга мактуб ёзган кишилар батамом ҳақ эканликларига тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Каналда темир-терсаккина эмас, бутун-бутун темир-бетон панеллар ҳам ётибди.

«Қўйлиқ турар жой массивлари 1966 йилдаги зилзиладан кейин қад кўтарди. Айниқса 4-ва 5-В массивларидаги турар жойлар энг сўнгги лойиҳалар асосида жуда сифатли қилиб қурилган. Уларда-ги квартираларда кишиларнинг яйраб яшаши учун барча қулайликлар муҳайё. Эндиликда бу уй-жой фондларини яхши асраш, уларни ободонлаштириш энг муҳим вазифалардан биридир. Аммо нимагадир «Қўйлиқ» турар жой массивларида бу масалага дуруст эътибор берилмаяпти.

Биз баъзида гўзаллик излаб, катта харажатлар қилиб, олис жойларга борамиз. Лекин, оёғимиз остидаги гўзалликни илғамаймиз. «Қўйлиқ» массивларини ўртача катталикдаги икки канал — Толариқ ва Баротхўжа ариғи лентадек ўраб оқади. Айниқса, Толариқ массивлар оралаб, ёз бўйи тўлиб оқади. Бунинг устига унча чуқур эмас. Бу канал яхшилаб тозаланса, атрофи хиёбонга айлантирилса, болалар чўмилиб, дам олиши учун энг роҳатижон жой бўлиб қоларди. Лекин Қўйлиқдаги дастлабки массивларнинг қурилганига ўн йилдан ошганига қарамай, бу иш орзулигича қолаяпти.

Бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда ҳовлидаги дарахт ва ариқчадан оқиб турган сувнинг аҳамияти қай даражада муҳим эканлигини гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Шаҳримизда шундай массивлар борки, уларга оқар сув олиб бориш, амри маҳол. Қўйлиқда эса Толариқ ёз бўйи тўлиб оқади. Ундан сув олиб, массивлар орасидаги бетон-ариқчалардан оқизиб, сувни деярли исроф қилмаган ҳолда Баротхўжа ариғига тушириб юбориш мумкин. Шундай қилинса, дарахтлар яшнайди, ҳаво тоза, салқин бўлади. Лекин 53-ЖЭК ходимларини бу масала ташвишлантирмаяпти. Ёзда фақат Толариқ бўйида жойлашган уйларнинг олдидаги айрим ариқлардагина сув бўлади. Аксарият ариқлардан эса бир қатра сув оқмайди. Бу ариқлар тупроқ, шағал билан кўмилиб, сув юрмайдиган бўлиб қолган.

Пастдаги суратга разм солинг. Уларнинг бирида светофор тасвирланган. Бу суратни Қўйлиқда бундан икки йил илгари ишга туширилган «Чебурашка» болалар боғида олдик. Бу шаҳримиздаги энг кенжа, 16-боғдир.

Илгари бу ерда ёз жазирама пайтида салқинлаб, дам олиш учун жой йўқ эди. Шаҳардаги боғларга бориш эса анча вақт талаб қиларди. Шунинг учун ҳам «Чебурашка» ишга тушганида каттадан-кичик ҳамма суюнди.

Боғ Ленин районидаги саноат корхоналари кучи билан барпо этилди. Эндиликда уни асраш, йил сайин ободонлаштириш лозим. Лекин боғнинг ҳозирги манзараси ачинарли ҳолатда. Ўтган йил экилган дарахтларнинг ярмидан кўпи қуриб қолди. Гул ўсиши керак бўлган жойларда ёввойи ўт ғовлаб ётибди. Болалар ўйнайдиган майдончалардаги автодромдаги деярли ҳамма нарсалар синдириб ташланган. Баланд симёғочларга маржон қилиб тортилган рангли лампочкаларнинг бутунидан сингани кўп. Ўриндиқларнинг ҳам бир қисми яроқсиз. Бу табиийки, оромгоҳни асраш, авайлаш масаласи эътибордан четда қолаётганлигини, аҳвол шу зайлда давом этса, боғнинг боғлиқ жойи қолмаслигини кўрсатиб турибди.

Биз ушбу мақолада «Қўйлиқ» массивларидаги одамлар ғашига тегаётган айрим нуқсонлар ҳақида гапириб ўтдик. Аслида Ленин ва Сергели районлари ижроия комитетлари бу катта турар жой районида ободонлаштириш, аҳоли учун қулай турмуш шароитлари яратиш соҳасида ҳали анча иш қилиши керак.

Тинчлик ва дўстлик шаҳри бўлган Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига оз вақт қолаяпти. У шаҳарни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда ўзига хос имтиҳон бўлади. Шаҳарда барча турар жой районлари қатори «Қўйлиқ» массивлари ҳам катта юбилейни нуқсонлардан холи бўлган, янада ободонлашган ва кўркамлашган ҳолда кутиб олиши лозим.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВ МУХБИРЛАРИ.

СУРАТЛАРДА: «Чебурашка» болалар боғининг светофорлари; бу қийшиқ бекат соябонини биз «Қўйлиқ» массивида 15, 81-автобусларнинг сўнгги бекатида суратга олдик.

Х. Мирзакаримов фотолари.





ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Сув пўлатни тозалайди

Иш муддати икки баравар қисқартирилди, 36 минг сўм иқтисод қилинди. Пўлат қозонлар ва трубаларни тозалаш учун кучли сув оқимидан фойдаланиш ана шундай самара берди. «Узкоммунтеплоэнергоремонт»га қарашли Тошкент бошқармасининг бригадаси Таллимаржонга махсус гидродинамик установка олиб келиб, шаҳар қозонхонаси аппаратларини тез ва пухта ремонтдан чиқарди. Ўнлаб атмосфера босими билан юборилган игна қалинлигича келадиган кучли сув оқими занг ва турли қатламларни ғоят яхши тозалайди. Қозонлар ҳам, трубалар ҳам янгидек бўлиб қолади. Мамлакатимизда тайёрланган бундай гидродинамик қурилма энди Қаршига олиб келинди. Бригада ана шу установка ёрдамида область маркази қозонхона ускуналарини тозалаб беради.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхозда хўжаликлараро энг катта омборда ишга тушириш —созлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу омбор 8 минг тонна картошкани сақлашга мўлжалланган. Хоналарнинг бир нечтасига Белоруссия ва Эстониядан келтирилган ҳамда Тошкент области хўжаликларида экишга мўлжалланган икки минг тонна уруғлик картошка қабул қилиб олинди.

* * *

Орджоникидзе районидаги Ленин номли колхоз Краснодар деҳқонларига Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг фахрли академиги З. Фахриддинов селекциясидан «Тошкент—1» ва «Тошкент—2» навли уч мингта лимон кўчатини самолётда жўнатди. Челябинск ва Магнитогорск теплица комбинатларига ҳам ана шундай совғалар юборилди.

* * *

«Узспецстрой» трестининг коллективи Тўрткўл районидаги «Намуна» колхозида икки юз бош соғин сигирга мўлжалланган янги бинони чорвадорларга белгиланганидан икки ой барвақт топширди. Бу ерда сутчилик блоки, бузоқхона, озуқа цехи, мол боқиладиган майдончалар бор.

* * *

Янгиқўрғон районида катта турар-жой массиви қурилиши бошлаб юборилди. Қурувчилар, механизаторлар, пахтакорлар ва чорвадорларнинг ўн олти оиласи учун дастлабки уйни тахт қилиб қўйдилар. Беш йиллик охиригача бу ерда кўп квартирали, барча қулайликлари яратилган яна ўнта уй қад кўтаради.

* * *

Хоразм области чорвачилик фермалари томон одатдан ташқари автобус йўл олди. Автобус ичида соғиш аппаратларининг ишлайдиган моделлари, стендлар, кўргазмали қўлланмалар, махсус жавонларда чорвачилик асосларига доир справочниклар бор. Мутахассислар — зоотехник, ветврач, тажрибали сут соғувчи машинада сут соғиш операторларини, ем-хашак тайёрловчи операторларни ўқитадилар.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Электровозларга ўтказилди

СОФИЯ. Болгариялик қурувчилар ва монтажчилар электрлаштириб бўлган темир йўл улкан бир халқани ташкил этди. Магистраллар Софияни БХРнинг Қора денгиз соҳилидаги шаҳарлари билан боғлади. Ишлаб келаётганига бир асрдан ошган Варна — Русе йўли ишларнинг сўнгги участкаси бўлди. Шу билан бирга «халқа»нинг жами узунлиги 1700 километрга яқинлашди. Шундай қилиб, ВКП XII съездининг қарорларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшилди. Қарорга кўра, шу беш йилликда (1981—1985 йиллар) 700 километр темир йўл линиясини электрлаштириш кўзда тутилганди.

Болгариялик экономистларнинг фикрича, республикадаги асосий пўлат магистралларни электровозга ўтказиш юк ташиш — таннархини тахминан 2,5 баравар арзонлаштиришга ёрдам беради. Бундан ташқари состав ҳаракат тезлиги ошиши туфайли йўлларнинг юк ўтказиш қобилияти, бинобарин ташиладиган юклар жами ҳажми анча кўпаяди.

Буларнинг ҳаммаси темирйўлларни анча узайтириш ва такомиллаштиришдан иборат асосий вазифа ҳал этилишига ёрдам беради. Планларга кўра, темирйўлда 1990 йилга борганда юкларнинг 55 проценти ва ҳамма пассажирларнинг 30 процентга яқини ташилади.

Бир фамилияли миллион киши

Японияда кенг тарқалган фамилиялар рўйхати мунтазам равишда ёритиб борилади. «Асахи» газетасининг хабар беришича, ҳозир мамлакатда энг кўп тарқалган фамилия Сатодир. Бир миллион 250 минг японияликана шу фамилия билан аталади. Судзуки фамилияси билан юритиладиганлар эса 1 миллион 60 минг кишини ташкил этади. Такахаси — 920 минг ва Танака фамилиясини 850 минг киши ўзига қабул қилган. Қизиғи шундаки, Япониянинг урушдан кейинги тарихида Такахаси фамилиясидан ташқари бўлган юқоридаги фамилиялар фақатгина премьер-министрларгина тааллуқли эди.

Париж — жаҳондаги ўзига хос, такрорланмас шаҳарлардан бири. Ҳар йили минглаб туристлар Парижга келишиб, бу қадимий ва мангу ёш шаҳарни томоша қилишади.

СУРАТДА: Париж бурчакларидан бирида.

В. Соболев фотоси.

ФАХРЛИ МАШҒУЛОТ

Ёввойи Саваннада, қишлоқ йўллари ёқасида, қишлоқларнинг ўзида, баъзан эса Мали пойтахти Бамаконинг ўзида ҳам елкасига алмисоқдан қолган милтиқни илиб олиб, ғаройиб усти-бош кийган кишини учратиш мумкин. У қабилачилик насл насабида бир вақтлар энг олий тоифага мансуб киши — овчидир. Унинг устибошида ўзи ўлдирган ҳайвонлар терисининг парча-пурчаси қанча кўп бўлса, ҳозирги кунларда йўқолиб бораётган бу касб вакилининг обрўйи шунчалик баланд бўлади.

Малида ов қилиш кўпдан бери эркак кишининг энг муносиб ва фахрли машғулоти ҳисобланган, уйга маъмурчилик келтирган. Мали қадимги империясининг асосчиси бўлмиш, ўтмишнинг машҳур оқсоқоли Сундьята Кейта буюк овчи бўлган, унинг маҳорати ва мерганлиги тўғрисида гриотлар — халқ бахшилари достонлар тўқиганлар, қўшиқлар куйлаганлар.

Милтиқ пайдо бўлганлигига қарамай, Малида яқин-яқинларгача ёй ва ўқ асосий ов қуроли ҳисобланган. Ёввойи ҳайвон билан олишув овчидан маҳорат билан ёй отишни тақозо этган.

Аммо милтиқнинг кўп тарқалиши, ҳайвонатни назоратсиз қириш, тез-тез бўлиб турадиган қурғоқчиликлар ва экологик мувозанатнинг бузилиши Малида овчиликка жиддий зарар етказган. Республика ҳукумати дов-дарахтларни тиклаш, ҳайвонотни қўриқлаш ва Саҳроикабир қуми босишини тўхтатиш мақсадларида кўплаб дов-дарахт кўчатларини ўтказмоқда, ҳайвонот дунёси, яйловлар, ҳавзаларни сақлаш, овни чеклаш, ўғринча овчиликка қарши кураш чораларини кўрмоқда.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

ХОШИМИН. Бу ерда ўтаётган Вьетнам Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси Хошимин аҳолиси ғоят кенг табақаларининг зўр қизиқишига сазовор бўлмоқда. Виставка экспозицияси — республиканинг жанубидаги социалистик ўзгаришлар эришган муваффақиятлар тўғрисида ёрқин ҳикоядир.

Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга бағишланган бўлим кўпгина томошабинларни йиғмоқда. Илмий ечимлар туфайли кўпгина корхоналарда меҳнат унумдорлиги анча ортди, давлат ўн миллионлаб донг пулни тежади.

Виставка республикада мустаҳкамланиб бораётган ишлаб чиқариш кооперацияси, ягона иқтисодий структурани йириклаштириш ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Ханой, Хошимин ва Дананг механика заводлари ўртасида, қурилиш ташкилотлари билан транспорт ташкилотлари ўртасида қалин алоқа бор. Хошиминнинг саноат корхоналари Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Виставкада хошиминликлар социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари учун ишлаб чиқараётган ҳар хил буюмлар кўрсатилмоқда.

Долзарб дамлар

УЛАН-БАТОР. Монгол чорвадорлари учун масъулиятли дамлар бошланди: мамлакатнинг хўжаликларида чорва ёппасига болалай бошлади. Биргина Арахангай аймоғининг ўзида 700 минг дан кўп қўзи ва бузоқ олиш ва ўстиришнинг ўзигина шу муҳим халқ хўжалик кампаниясининг кўламлари нақадар катта эканлигини билдиради.

Қишлоқ хўжалик бирлашмалари, давлат хўжаликларининг меҳнаткашлари катта тайёргарлик ишларини ўтказдилар. Улар етарлича ем-хашак ғамлаб олдилар, янги чорвачилик биноларини қурдилар, мавжуд иморатларни ремонт қилдилар, аймоқ марказларида махсус ветеринария хизматларини барпо этдилар. Шу долзарб дамларда эртадан то тунгача банд бўлган чорвадорларга хизмат қилиш учун хўжаликларнинг раҳбарлари партия комитетлари ва касаба союз комитетлари билан бирга комплекс бригадаларни ташкил қилдилар. Уларнинг составига медицина ходимлари, маиший хизмат вакиллари киради. Бригадалар хўжаликларни муттасил айланиб, энг олис бўлимларгача етиб бормоқда.

Шу кампанияни ўтказишга диққат-эътибор берилиши табиий бир ҳолдир. Чунки мамлакатдаги бутун қишлоқ хўжалик маҳсулотининг тўртдан уч ҳиссаси чорвачиликка тўғри келади. МХР партия ва ҳукумати Монголия еттинчи беш йиллигининг учинчи ҳал қилувчи йилида камида 9,4 миллион бош қўзи ва бузоқ ўстиришдек масъулиятли вазифани қўйди.

БАҲОРГИ ЯРМАРКА

ВЕНА. Австрия пойтахтида анъанавий баҳорги ярмарка очилди. Ярмаркада турли мамлакатлардан, шу жумладан Совет Иттифоқидан 3600 тадан кўп фирма ва ташқи савдо бирлашмалари иштирок этмоқда. Ярмаркада бир қанча ихтисослаштирилган шу жумладан қурилиш материаллари, уй-рўзғор техникаси, мебеллар виставкалари ҳам ташкил этилган.

Ярмаркани очиш тантанали маросимида нутқ сўзлаган Австрия республикасининг президенти Рудольф Кирхшлегер халқаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг жаҳон сиёсатида барқарорлаштирувчи муҳим омил сифатидаги катта аҳамиятини таъкидлаб ўтди ва баъзи бир мамлакатлар амалга ошираётган протекционистик чора-тадбирларни қоралади.

Венадаги ярмарка, деб таъкидлади ярмарка бош директори А. Хинчиг ТАСС мухбири билан суҳбатда, 60 йилдан кўпроқ вақтдан буён Шарқ ва Ғарб савдо-сотиқ ташкилотлари вакилларининг анъанавий учрашув жойига айланиб қолган. Австрия мустаҳкам ва самарали алоқа боғлаб келаётган Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлардан келган меҳмонларни қутлашдан ғоят хурсандмиз. СССР билан ҳамкорлигимиз ўзаро манфаатли характерда бўлиб, ғоят қулай истиқболларга эга. Бу эса иккала мамлакат халқлари, тинчлик манфаатларига ва кескинликни юмшатиш манфаатларига мос бўлиб тушади.

СССР ЁРДАМИ БИЛАН

МАПУТУ. Мозамбик пойтахтида электротехника соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган ўқув маркази очилади. Бу ўқув марказида айни бир вақтда 180 ўқувчи автотранспортга, совутиш ускуналарига ва саноат электроникасига хизмат кўрсатувчи электрик-монтёр, электромеханик касбларини эгаллайди.

Совет Иттифоқининг кўмаги билан ташкил қилиш мўлжалланаётган тўртта янги ҳунар-техника билим юртидан бири радио -телевидение ускуналари бўйича мутахассислар тайёрлаб чиқарадиган бўлади. Бу соҳадаги кадрларни тайёрлаш ўз радио- электрон саноатини ривожлантиришга киришган Мозамбик учун муҳим аҳамият касб этади.

КАТТАР ЧЎКМАСИ

Миср территориясининг ғарбидаги саҳрода жойлашган каттакон каттар чўкмаси бир вақтлар денгиз бўлган. Геологлар қидирув ишлари чоғида у ерда топган нарсалар шундан далолат беради. «Каиро Тудэй» журналининг хабар беришича, денгизнинг ҳозирги қирғоғидан 330 километр чамаси масофада денгиз балиқлари, шунингдек ҳайвонларнинг тошга айланган кўпдан-кўп склетлари топилган. Булар соҳил бўйидаги зонада яшаган. Чўкма тубини қалинлиги бир метрга борадиган туз қалқон қоплаганлиги аниқланди.

Баъзи олимлар бундан миллион йил аввал чўкма ўрта денгизнинг бир қисми бўлган, деб фараз қилмоқдалар. Бошқа олимлар эса чўкма улкан геологик катаклизм натижасида вақтинча сувга тўлган ва денгиз билан доимий алоқаси бўлмаган, деб

ФОТОКАЛЕЙДОСКОП

Стокгольмдаги «Скансен» ҳайвонот боғи аквариумининг мудири Д. Жомас Вальстремнинг қўлидаги бу кичкина жонивор (суратда) дегу деб аталади. У қуён турига яқинроқ жонивор ҳисобланади. Жанубий Американинг — Тинч океан соҳилларидаги тоғли районларида «Доимий пропискага» ўтган. Унинг ота-онаси бундан бир неча йил муқаддам Чилидан келтирилган эди, негаки, одамлар уни йўқ қилиб юбориши хавфи туғилган эди. Америка тадқиқотчиси Деннис Меррит уларни қутқаришга қарор қилди. Бир неча янги туғилган дегуларни Стокгольм ҳайвонот боғи ихтиёрига берди. Ҳозир бу кичкинтойлар «иззат-ҳурматда».

Прессенсбильд — ТАСС фотоси.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ҚЎШНИНИКИДАН СУВ ОҚАДИ»

Газетамизда босилган хабар шундай деб аталган эди. Редакция шу мақолага жавоб олди.

Халқ депутатлари Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети хабар қиладики, чиндан ҳам Қорақамиш 2/3 массивидаги 8-уйнинг 7-квартирасида иссиқлик прибори носоз бўлган. Ана шу прибор алмаштирилиб, авария бартараф этилгач, гражданка Романованинг квартирасига сув сизиб ўтмаяпти.

Гражданка Романованинг аризаси юзасидан ўз вақтида чоралар кўрилмагани учун 36-ЖЭУнинг собиқ бошлиғи Ш. Губайдуллин уй-жой ишлаб чиқариш-эксплуатация трестининг техниксоветида қаттиқ огоҳлантирилган эди.

М. ЗУФАРОВ,
Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети раиси.

«ХЎРАНДА ҲАҚИГА ХИЁНАТ»

Шу сарлавҳа остидаги хабар газетамизнинг 24 февраль сонида босилган эди. Унда «Россия» ресторани официанткаси В. Петросянц хўрандалар ҳақидан уриб қолгани, улар билан қўпол муомалада бўлгани ҳақида сўз юритилган эди. Тошкент ресторанлар трестидан қуйидаги жавобни олдик.

Тошкент ресторанлар трести маъмурияти маълум қиладики, Т. Раимбердиев ва Е. Малахотьконинг газетада босилган хати «Россия» ресторани коллективининг умумий йиғилишида муҳокама этилди. Ресторан маъмурияти умумий овқатланиш корхонаси касаба союз комитетига мурожаат этиб, официантка В. Петросянцни Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодекси 37-моддасининг 2-банди бўйича ишончни йўқотганлиги учун ишдан бўшатишга рухсат беришни сўради. Лекин касаба союз комитети унинг оғир оилавий аҳволини, ёлғиз ўзи икки ёш фарзандини тарбиялаётганини ҳисобга олиб, ишдан бўшатишга рухсат бермади. Ножўя хатти-ҳаракатнинг олдини олиш мақсадида ресторан бўйича 1983 йил 26 февралда чиқарилган 22-буйруқ билан В. Петросянц официанткаликдан олиниб, хўрандаларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишга— идиш-товоқ ювувчи вазифасига ўтказилди.

«Россия» ресторани маъмуриятига официантлар иши устидан назорат етарли эмаслиги ва коллективда сиёсий-тарбиявий ишлар бўшлиги кўрсатиб ўтилди.

М. УСМОНОВ,
Тошкент ресторанлар трести директори.

> КИШИ УЗИГА ҚАНЧАЛИК КАМ ТАЛАБ ҚИЛИБ, ОДАМЛАРГА ШУНЧАЛИК КУПРОҚ ФОЙДА ЕТКАЗСА, УНИНГ ЯХШИЛИГИ ШУ ҚАДАР УЛУҒДИР. БОШҚАЛАРГА ҚАНЧАЛИК КАМ ФОЙДА ЕТКАЗА ТУРИБ, УЗИГА КУПНИ ТАЛАБ ҚИЛСА, ЁМОНЛИГИ ҲАМ ШУ ҚАДАР КУПДИР.
>
> Л. Н. ТОЛСТОЙ.

Одоб-ахлоқ ҳақида
Оқшом суҳбатлари
№ 45

Оила даврасида

> Болаларингизнинг кўз ёшларини асранг, токи уни қабрингиз узра тўкишсин.
>
> ПИФАГОР.

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

БЕМЕҲРЛИК ШУНЧАЛИКМИ?

Қобилжон гул кўтариб юришни эп кўрмасди. Лекин ҳаётида икки марта гулдаста кўтариб юрганини одамлар кўришган. Биринчиси Мавлудахон билан ЗАГСдан ўтгани боришганида. Бу гулдаста ўша куни тўй дастурхонини безади. Иккинчи гулдастани Қобилжон туғруқхонага кўтариб борди. Гулни энагага бериб, қўлига фарзандини олгач, секин чойшабнинг бир чеккасини кўтарди. Ўзига ўхшаган қорамағиз чақалоқ юзига нур тушганидан сесканди шекилли, митти кўзларини очиб ғалати қараш қилгач, яна юмиб олди. Қобилжон ҳовлиқиб «Комилжон куляпти» деб юборди. Атрофдагилар - ёш отанинг соддадиллигидан завқланиб кулишди.

— Ўғил бола дастлаб отасини танийди, — деди энага.

— Исми Комилжонми? Яхши исм қўйиб биринчи бурчингизни ўтабсиз, — деди шу ерда турганлардан бири.— Эндиги асосий бурчингиз фарзандни ақлли-ҳушли, соғлом киши қилиб ўстириш. Фарзанд — ҳаётнинг гули.

Қобилжон гул кўтариб юриш уят эмаслигини шунда тушунди. Фарзандни гулга таққослашяпти. Уни асраб-авайлаш, ардоқлаш, воyга етказиш бурч экан. Ота билан онанинг бурчи экан.

Қобилжон билан Мавлудахон турмушнинг ҳар қандай вазиятларида ана шу бурчга содиқ қоладиларми? Ҳа, содиқ қолишлари керак! Чунки оталик ва оналик бурчини ўташ, инсоннинг энг улуғ хислатларидан бири. Фарзандига бутун меҳр ва муҳаббатини, лозим бўлса бутун ҳаётини бахшида этишга тайёр кишилар озмунчами?! Лекин...

Қуйидаги мактубни диққат билан ўқиб кўринг. «Мен ота-онамнинг топган қизига уйланган эдим. У енгил табиатли бўлиб чиқди. Ўртамизда битта бола билан ажрашдик. 25 процент алимент тўлаяпман. Ойлигим 90 сўм. Алимент тўлаганимдан кейин онамнинг пенсиясини ҳам қўшганда даромадимиз юз сўмга бормайди. Бинобарин, мен ҳам уйланишим керак. Айтингчи, оилавий шароитимни инобатга олиб алиментни маълум миқдорда камайтириш мумкинми? Саволимга газета орқали жавоб беришингизни сўрайман. Н».

Аввало, мактуб автори газета орқали жавоб беришимизни сўраган экан, ушбу мақола унга жавоб тариқасида ёзилганини эслатиб қўймоқчимиз. Унинг мактубига ҳеч қандай ўзгартиш киритганимиз йўқ. Фақат исмини тўла айтишни лозим топмадик.

Хўш, Н. нима демоқчи? У алиментни камайтириш йўлини топиб беришимизни сўраяпти чоғи. Аниқроқ қилиб айтганда, фарзандининг ризқини қирқиш йўлини излаётганга ўхшайди. Унинг ўз сўзларидан келиб чиқадиган бўлсак, норасида гўдакчинг ризқини қирқиш эвазига «мен уйланишим керак» дейди. «Ота-онам топган қизга уйланган эдим» деганига нима дейсиз? Ҳозир қайси ота-она ўғли эсли-ҳушли қайлиқни топса, уларнинг турмуш қуришига ғов бўла олади.

Хат авторининг асосий муддаоси алиментни камроқ тўлаш. Агар у чиндан ҳам фақат моддий аҳволи оғирлигини айтиб ёрдам сўраганида эди масалага бошқача ёндошиш мумкин бўларди. Хатга эътибор берган бўлсангиз у фарзандини тарбиялаётган, эндиликда ўзи учун бегонага айланган аёл шаънига ҳам адоват тошларини отишни унутмаган. Хат авторига жавобимиз шуки, ота билан онанинг тескарилиги бола ҳуқуқини поймол қилмаслиги керак.

Одатда оиланинг барбод бўлишига эр ва хотин ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши сабаб бўлади. Тақдир уларни ажратиб қўяди. Уларнинг иккови учун ҳам тотли кунларда кўз очган фарзанд ким билан бўлиши керак деган масала ўзаро ёки юридик қонун-қоидалар билан ҳал этилади. Шуниси ҳам борки, ўзаро адоват туйғуси билан ёниб турган она ҳам, ота ҳам фарзандлари ўз ҳаётида биринчи аёвсиз зарбага учраганини дастлаб ҳис этишмайди. Уларнинг бири иккинчисига отган таъна тошлари бола қалбига наштардек санчилади.

Ваҳоланки, баъзилар оддий ҳақиқатни унутиб қўйишади. Ажралишганидан кейин ҳам орқадан бир-бирларини ёмонлаб юришади. Масалан, бола отасидан «онанг енгилтак эди» деган гапни эшитса, онасидан «отангни бир винти етишмайди. эси паст» деган аччиқ таънани эшитади. Бу боланинг егани, ичгани заҳарга айланади, дардини ичига ютиб, пинҳона йиғлайди. Унинг гуноҳи йўқ эди-ку!..

Баъзи оталар алимент тўлашдан қочиб иш жойларини тез-тез ўзгартиришади. Айримлари эса ойлиги камроқ ишларга ўтишади. Бошқалар, газетага хат ёзган йигит каби алимент миқдорини камайтириш йўлини қидиришади. Бундайларга: эй йигит, кўзингизни очинг, фарзандингиз сизнинг кўмагингизсиз ҳам улғаяди, ўшанда «Сизни танимайман» деб кўзингизга тик қараса бардош бера оласизми, дегимиз келади.

Ҳурматли оқшомхонлар, бир йигит «Мен ҳам уйланишим керак. Алимент миқдорини камайтириш мумкинми» деб мурожаат этяпти. Сиз нима дейсиз?

М. МУРОДОВ.

«ИНСОН—ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

саволларига Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги «Чевар» ишлаб чиқариш бирлашмаси мастери, Акмал Икромов район Советининг депутати Маҳбубахон САЙФУТДИНОВА жавоб беради:

1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?

2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?

3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.

4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?

5. Оилада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?

6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

1. Инсон! Инсонийлик —урчуқда эгрилган ипнинг қавати қанча кўп бўлса, унинг маъноси ҳам шунчалар кўп. Бу ажойиб хислатларнинг ҳаммасини санаб, салмоқлаб бўлмайди. Ахир, инсонийликнинг ўзи, биз чеварларнинг тилимизда айтганда, шоҳи сўзананинг гуллари, сайқалчининг андозаси эмасмикин!? Худди шундай! Инсонийлик, бу, одамларни жон-дилдан сева билиш, ўзгаларга яхшилик қилмоқдир. Ҳақиқий инсон бошингга оғир мусибат тушганда— ҳамдард бўлганда синалади, туғишгандай яқин бўлиб қолади.

Шуни ҳам айтиш керакки, одам биргина фазилати билан чин инсон бўлолмайди, албатта. Инсон қалбида меҳр-муҳаббат, оқибат, адолат, садоқат, ғамхўрлик ва жонкуярлик бўлиши керак. Очиқ гап, мен ҳали инсонийликнинг кўпдан-кўп қирраларини билмайман. Энди 22 баҳорни кўрдим, киши ҳаётида яшагани сари ҳаммасини кўра борар экан, тажрибаси ортар экан. Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди.

Бизнинг Машъал кўчамиздан ҳали табиий газ ўтмаган. Кўчма газ заказ қилиш учун «Ташгаз»га бордим. Мендан олдинда турган кекса отахон «газ варақаси»ни узатиб, ёшгина қизчадан сўради:

— Қизим, учинчи марта келишим, газни шу ҳафта ичи олармикинмиз?..

— Учинчи марта келганингизни нега пеш қиляпсиз?— деди зарда билан қошини чимириб қизча, — шу ҳафта оларсиз.

— Тажанг бўлма, оппоқ қизим, — деди чол босиқлик билан. —Икки гал келганимда ҳам «шу ҳафтада оласиз» дегандинг, бу сафар ҳам «шу ҳафтада газ оласиз» деяпсан, бўпти, яна кутамиз, қизим.

Отахон маъюс тортиб чиқиб кетди. Қизча чимирилиб чолнинг «газ варақаси»ни олдинги яшикчага солди-да, ўзича гапирди:

— Керак бўлса уч марта эмас, ўн марта ҳам келасан, келмаганингни ҳам кўраман... — деди.

Ё тавба! Одам ҳам шунақа совуқ муомала бўладими! Тўғриси, бу қизчанинг гапларини эшитиб аъзои-танимдан муздек тер чиқиб кетди. Отасидек одамга, умуман инсонга шунақа заҳарханда муносабатда бўлиш уят эмасми, номус эмасми! Ахир аёл киши назокатли, латофатли бўлиши керак-ку. Ширин сўз ҳам, заҳар сўз ҳам бир тил билан айтилади-ку.

Одам ширин сўзлай қолса нима қилади. Мен ҳамма одамларнинг ички ва ташқи оламида меҳр-муҳаббат, инсонийлик, яхшилик нури чарақлаб туришини истайман.

2. «Одам бўлиш осон, одамий бўлиш қийин», деган гап хўп топиб айтилган. Аввало инсон бўлиш керак. Мен ёлғончи, тухматчи, сиркаси сув кўтармайдиган, жиззаки одамни ёмон кўраман. Баъзи одамлар борки, сенинг обрў-ҳурматингга, унга тегадиган фойдангга қараб «муомала» қилади, яқинлашади. Қоқилсанг, нажотсиз қолсанг қўлингдан учган қушдек қочиб кетади. Бунақа одамларни атроф-муҳит рангига қараб тусини ўзгартирадиган буқаламунга ўхшатаман. Мен ана шунақа одамларни ёқтирмайман.

3. Опам —Мавжуда Сайфуддинова тикувчи. У бутун меҳрини тикувчиликка бахшида этган. Бахт-иқболини ҳам ўзи ишлаётган «Чевар» ишлаб чиқариш фабрикасида топди. Коллектив ҳурматини қозонди. Унинг орзу-умидлари ана шу «Чевар» бирлашмасида рўёбга чиқди. Мен опамни кўриб, ундан фахрланиб юрардим. Кейинчалик эса, ўзим ҳам тикувчиликни орзу қилдим. Саккизинчи синфни битириб, опам— Мавжуданинг олдига келдим. Бу — 1975 йил сентябрь ойи эди. Опамдан тикувчиликнинг барча сирларини тинмай, кунт билан ўргандим. Ўқувчидан тикувчи бўлдим. 1978 йилдан бирлашманинг биринчи цехи бешинчи бригадасига бошлиқ қилиб тайинлашди. Райондаги 54-кечки ишчи-ёшлар мактабини 1980 йили тамомладим. Орзуим Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига кириб ўқишдир.

Ишимдан ҳеч ҳам нолимайман. Ҳали ўн йил ишламаган бўлсам-да, ўндан ортиқ фахрий ёрлиқлар билан тақдирландим. Меҳнатга муҳаббатим—Ватанга бўлган муҳаббатим деб биламан. Коллектив ишонч билдириб район Советига депутат қилиб сайлашди. Шундай қилиб, ишдан бўш вақтларимда халқ хизматидаман. Бундан ташқари, январь ойидан бошлаб мастерликка тайинлашди. Булар менга билдирилган ишонч рамзидир. Бу — янада кунт билан ишлашимни тақозо қилади. Мен ҳаётда ўз ўрнимни топаётганимдан, фаровон турмушимизга, гўзал ҳаётимизга, чунончи одамларга оз бўлса-да нафим тегаётганидан бахтиёрман.

4. Қуш — қанотсиз, инсон— орзусиз яшамайди. Ҳар бир инсон орзусига эътиқоди туфайлигина эришиши мумкин. Ўз касб-ҳунарига чин эътиқод қўйган одам бахтли бўлади. Мен тикувчилик, чеварлик касбига эътиқод қўйганман.

5. «Қуш уясида кўрганини қилади», дейдилар. Бу гап бежиз эмас, ота-она қандай бўлса, фарзанд ҳам шунга тақлид қилади. Яхши тарбияланган ота-онадан, албатта яхши фарзандлар етишиб чиқади. Бу унинг ҳаёт мактабидаги дарсининг натижасига боғлиқ бўлади. Мен эндигина турмушнинг олтин остонасини ҳатлаб ўтдим. Ота-онамдан, маҳалладаги бообрў хонадонлардан, коллективимдаги яхши фазилатли кишилардан, албатта оила ва фарзанд тарбиясида ибрат оламан. Биз фарзандлар ширинсўз, ростгўй, ақлли, камтар бўлсак, ҳамма-ҳамма биздан шодланади.

6. Баъзилар тикувчиликни сердиққат иш, дейишади. Бироқ, севган кишига унинг фарқи йўқ. Сиз оёғингизга кийган пойафзални кимлардир фахр билан тиккан, кимлардир кунт билан ремонт қилиб берган. Касб-корнинг ёмони йўқ. Тикувчиликдек фахрли касбимдан бўш вақтим деярли бўлмайди. Бўш вақтларимни жамоат ишларида, оилам ташвишида ўтказаман. Умр йўлдошимга, оиламдагиларга ёқимли овқатлар тайёрлаб бериб, ҳаммаларининг кўнглини оламан. Тикувчилик ҳақидаги бадиий китобларни жуда севиб ўқийман. Янги замонавий қўшиқларни тинглаб ором оламан. Дам олиш кунлари бўш бўлсак, кинога, театрга, баъзан далаларга сайрга чиқамиз.

Анкета саволларига жавобларни Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ ёзиб олди.

Одамлар орасида

БЕЛИ ОҒРИМАГАНЛАР

(БЎЛГАН ВОҚЕА)

Қайси бириникига борсамикан? Ҳам телефонда, ҳам уйимга келиб айтишган-а. Бошқа кун қуриб кетибмиди, ҳаммасиники бугун-а... Ревизор божамнинг прораб куёвиники ҳам бугун, сомсапаз амакимнинг гўшт комбинатида ишлайдиган қайнисиники ҳам бугун, дурадгор поччамнинг ёғоч базасидаги экспедитор тоғасиники ҳам бугун. Эҳ-ҳе, ҳатто аммамнинг чарлариси ўтмай қайтиб келган қизига совчи қўйётган Тиллавой заргар гаштаги ҳам бугун.

Аммагинам шўрлик, бир сўраб-суриштир-чи, юртда юрган одамсан, эланиб қўйишмаяпти, сал эплироқ бўлса, узатамиз, нима, тоқ ўтармиди, унисидан ёлчимади, ажабмас бунисидан ёлчиса, деб миямнинг қатиғини аталаяптилар. Кел, ҳар ҳолда аммам-ку, сазаси ўлмасин, заргарникига борай. Гаштак баҳона, туриш-турмушини ўз кўзим билан кўриб келаман. Ё қовушади, ё тошини теради. Шу-да!

Амал курсимдан тура, ташқарига йўналдим. Э, тўхта, хўш, ҳали нон-қатиқ бўлинмаган ерга сўппайиб кириб бораманми?! Мен-а, шаҳри азим бозорлари катта-конларидан бири-я?! Йўқ, шаънимга яраша йўл тутишим керак, ҳа!

Кумирлайдиган қирқта патир, қоғоз қутили шоколаднинг бориб турганидан бир йўла ўнтасини олдим-да, савлат тўкиб таксига ўтирдим. Тутатган папиросим ҳали тугамаган ҳам эди, мана, келдик, деб қолди шофёр. Кутиб турган эканми, тушишим билан ҳаворанг дарвозадан башараси кунгабоқарни эслатувчи, чамаси эллик ёшлардаги, сурмаранг духоба дўппили, сал қорин ташлаган, қўнғир мўйлов одам югуриб келди, қўлимдагиларни ол-а, ичкарига таклиф этди:

— Қани, қани, марҳамат қилсинлар.

Ёз эмасми, очиқ ҳаво, салқингина, дейишди чоғи, садасифат гилос тагидаги ҳоли тахта сўрига, кўзойнакли, увоққина мўйсафид ёнига чиқаришди. Олинг-олинг қилишиб, у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Уч бериб қолди, бояги мени кафтига қўйгудек ардоқлаб қарши олган одам икки даъфа никоҳи бузилган, насиб этса, бизнинг авлодга бўлғувчи куёв бола эканлар.

Сал ўтмай денг, рўпарадаги, шифтида ҳашаматли қандил офтобдек порлаб турган уйга бўлғувчи куёв бола жўралари гурра-гурра кира бошлашди. Ҳай-ҳай, ёмон кўздан сақласин, ўзлари ҳам деймаи, бўлаликда роса терилишган экан-да, боқувдаги қўчқорлардек кўзларининг таглари йилт-йилт этади-я! Балли, этга эт қўшиш — уддабуронинг, такадан ҳам сут соға билганнинг иши!

Улар ўтиришар-ўтиришмас саримсоқли помидор шарбати билан чойхона паловидек килкиллаган жўжа товакиси тортилди. Қадаҳлар жарангига қаҳқаҳа, шодон қийқириқ туташиб кетди. Биринчи қадаҳ бўшатилгач, тўрда торларини созлашиб ўтирганлар чунонам шўх-шўхидан олдиларки, хона учрашувга чиққан ошиқ юрагидек беихтиёр тўлғанди. Йўғон, тақир бош, қора йигит кўкрак чўнтагидан баногоҳ бир жуфт йигирма бешталикни суғирди-да, уларнинг чаккаларига қистирди.

У, жўрабошими, билмадим, ҳеч кимдан тортинмай ботир-ботир сўзлар, деразадан мезчил-мепчили билан узатилаётган қайнатма, қалампир дўлма, манти, думба-қази-ли норин, димлама пай, жигаркабобларни илдам олар, бўшаган косаю ликобчаларни дастёрлар қўлига тутиб турарди. Бир пайт, кайфи пича ошди шекилли, қовурдоқ ковшаётган ҳамнафасларга нимагадир ит қараш қилиб қолди:

— Вей, қани, ахир, совиб қолмасин!

Пардалигу бепарда лапарлар шу лаҳзадаёқ бир-бирига уланиб кетди. Завқи жўш урган ана шу қора йигит, воҳ-воҳ, тилингга шакар, дея такрор қистирди. Бошқалар ҳам, сен синч бўлсанг, мен устун, дегандек бир-биридан ўзарга қистира бошлашди. Пойнакдагиларнинг айримлари емакдан бош кўтармай пиқ-пиқ кулиб қўйишди. Кўзлари олаланган қора йигит ер сузиб бир ўқрайди-да, лимондан бирини олмадек ғарч-ғарч чайнаб уларга гап учирди:

— Ў, Шавкатхўжа, сиз катта бир ресторраннинг қаймоғини қалпиб ётибсиз. Кунинга, бошқа тарафини қўяверинг, официантларнинг ўзидан камида уч-тўрт юз «бола» тушади. Сал эрисангиз, қўрқманг, вақтида пиёз ташланмаган ёрдек ёниб кетмайсиз. Ахир, бизни хурсанд қилишгани келган булар... Ў, Кабирбек, биламиз, биздақа нишабидасиз. Қўл остингиздаги шофёрлар ўлжанинг учдан иккисини ойда бир оғзингизга тутиб туришади. Ҳи-ҳи-ҳи. О-ҳо, ана, ҳамённинг боғичи ечилди. Чалинг, чалинг, янги-янгисидан бўлсин! Ана, Турсунбой ҳам, ана, Холмирза, ана, Шокарим ҳам, қаранглар, ёнларини тимирскилашяпти. Э, қойил, очиққўллик мана бундоқ бўлибди! Қани, қуйилсин! Э, нима, бу, шишаларнинг ярми турибди-ку ҳали. Ичайлик-да, биз ичмасақ, биздек, там-там улфатлар ичмаса, ҳалиги, биласизми, ким ичади?! Кунимиз туққан бандамизки, айш, айш, айшимизни сурамиз. Ҳа, жўралар, ҳм, айноний сиздан...

Ичилди, май дарёсида сузилгандек ичилди. Охири қутирган маймунлардек ўйин туша кетдилар.

Баракалло, топибдиларми, умрнинг зийнати-да, яйрасинлар! Энди, хўш, бу ердагилар тағин мендан хижолат чекиб ўтиришмасин. Яхшиси, турай.

Ҳамсуҳбатимдан секингина ижозат сўрадим. У далонда қўл қовуштириб турганларга ишора қилди. Бир нафасда қўлимга илиқ сув қуйилиб, оҳорли сочиқ тутилди. Бундай қарасам, бўлғувси куёвболамиз ойдиндек оппоқ машина эшигини очиб турибди. Ўтиришим билан қалдирғочдек учди.

Ана давлатмандлик, ана иззат! Э, аммажон, оқликни тайёрлайверинг! Бунақасини тушингизда ҳам кўрмайсиз!..

Ямин ҚУРБОН.

Ишхона — иккинчи уйимиз

ДИЛКАШ КИШИЛАР

Одамлар қалбида яхши ном қолдириш учун жуда катта фазилат керак. Меҳнатни севган одам доим обрў-эътибор топишини биламиз. Шу ўринда бир ҳикоят ёдимга тушди.

Буюк шоир Навоий Ҳирот шаҳрида катта-кичикнинг ҳол-аҳволидан, иш-юмушидан, касб-коридан хабар олиб юрар экан. Бир йигит доим одамлар хизматида бўлар, кимнидир ўтинини ташир, кимгадир сув келтириб берар, кимнингдир қурилишига ёрдам қилар экан. Навоий бу меҳнаткаш йигитни кўрганда ғоят самимийлик билан саломалик қилиб:

— Бардаммисиз, уста, ҳол-аҳволингиз яхшими?— деб кўнгил сўрар экан.

Йигит шоирнинг бу илтифотидан ўзига хулоса чиқариб, ўйлабди: «Қара-я, шундай буюк шоир мен билан сўрашади, илтифот кўрсатади, мен эса одамларнинг ўтинини ташиб, сув келтириб, қора ишлар билан ўзимни хор қилиб юрибман. Энди бунақаси кетмайди, озгина таҳсил олиб мачитга сўфи бўламан», дебди.

Шундай қилиб, йигит мачитга сўфи бўлибди, антиқа либослар кийиб, Навоийни кўрганда қориларча ўта тавозе билан таъзим қилибди, лекин шоир унинг саломига алик ҳам олмай ўтиб кетаверибди. Бу ҳол бир неча марта такрорлангач, йигит бунинг сабабини бир одам орқали сўраттирибди. Навоий шундай дебди:

— Ул йигит илгари кўп баъмани, меҳнаткаш, паҳлавон эди. Сўфилик либосини кийди-ю, бу хислатлардан маҳрум бўлди. Турли юмушлар билан кўпларнинг оғирини енгил қилиб юрганида, одамларга фойдаси тегаётганда мен уни чуқур эҳтиром қилардим, энди унга эътиқодим қолмади.

Навоийнинг бу гапини эшитган йигит сўфилик либосини улоқтирибди-ю, яна одамларга ёрдам беришга киришиб кетибди, яна тезда обрў-эътибор топибди...

Чиндан ҳам эл-юртнинг хизматини қилган, меҳнатда тобланган одам бахтли бўлади. Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трестининг 10-қурилиш бошқармасида кўп йиллардан бери ишлаётган Анвар Йўлдошев катта ҳурматга эришган. У бинокор-уста сифатида танилган.

Анвар акани қурилиш бошқармасидаги бинокорлар ҳам, у яшайдиган Самарқанд дарвоза кўчасидагилар ҳам «қўли гул уста» дейишади.

— Анвар ака бошлиқ бригададагилар қурган бино гўзал бўлади.

— Бинокорлик касбига эътиқод қўйганман,— дейди Анвар ака.— Ҳар бир одам ўз ишига меҳр қўйган экан, коллективда ўзи бирга ишлайдиган ҳамма одамларни севиши, ҳурмат қилиши, ардоқлаши лозим.

Анвар ака бригадасидагилар иш вақтидан унумли фойдаланиш, биноларни кўркам, сифатли ва чиройли пардоздан чиқариш учун ҳамма имкониятдан фойдаланишади. Меҳнатда чиниққан бу бинокорларни ҳамма «Дилкаш кишилар» дейишади.

Яхши одамлар билан бирга ишлаш қалбга қувонч, билакка қувват бағишлайди.

Ҳ. ИНОҒОМОВ, ишчи.

Музика сирларини ўрганиш ёшларимизни эстетик руҳда тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Собир Раҳимов районидаги 25-етти йиллик музика мактабида ёш ўқувчилар санъат сирларини ўрганишяпти.

СУРАТДА: музика мактаби ўқитувчиси Абдували Собиров 133-мактаб ўқувчиси Гулноза Жалолова билан машғулот ўтказмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ЯХШИ ХИСЛАТ — ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

«ЛАББАЙ, СИЗНИ ЭШИТАМАН...»

Одамлар кўп яхши ихтиролар яратишган. Шулар орасида телефондек бебаҳоси бўлмаса керак. Хонамизда телефонимиз тилла тангадек жиринглайди. Трубкани кўтарамиз:

[illegible] эшитаман.

— Алло, сиз фалончиевмисиз?

— Худди шундай, менман, қандай хизматлар бор?

Одамлар бир-бирларига телефон қилишганда овозларидан [illegible] билишса, тўғридан-тўғри саломлашишади, асосий мақсад гапирилади.

Телефон қилган одам баъзан ноқулай муомала қилади:

— Алло, ким бу?— сўрайди тўсатдан.

— Сизга ким керак?

— Сен кимсан? — деб яна асабни бузади сўровчи.

Баъзилар мутлақо нотўғри савол беришади:

— Алло, мен қаерга телефон қиляпман? (бундайларга «эсинг жойидами, қаерга телефон қилаётганингни билмаяпсанми» дегинг келади).

Хўп, телефон қилаётган жойинг қаер эканини билмоқчи бўлсанг:

— Кечирасиз, бу институтми, мактабми, фалон идорами? — деб сўралса бўлади-ку.

Баъзилар қўпол сўз билан кўнгилга тикон санчади, қалб торини синдиради.

Шундай бўлди. Ишхонамиз катта ташкилот. Бу ерда мажлислар, конференциялар, турли йиғилишлар бўлиб туради. Ана шундай йиғилишларга одамлар баъзан телефонда чақирилади.

Бир пайт хонага кирсам дугонам йиғлаб ўтирибди. Нима бўлганини сўрадим. У анчадан кейин ўзига келиб, бўлган воқеани айтиб берди.

Дугонам бир идорага телефон қилиб, мажлисга бўлим бошлиғини таклиф қилмоқчи бўлибди.

— Ассалом алайкум,— дебди у, — бу фалон идорами?

— Худди шундай, Ойдинхон, сизга ташна ўтирибман,— дебди шилқим овоз.

— Кечирасиз, менга фалончиев керак эдилар. — самимий илтимос қилибди дугонам.

— Ие, сизни мен қизиқтирмайманми, жонидан,— деб яна вайсабди йигит. — Бир келинг, ресторанда меҳмон қиламан... дам оламиз... ёки фалончиев эски жазманингизми?..

Дугонам:

— У одам олтмиш ёшда, отам тенги-ку, уятсиз,— деб трубкани қўйибди-ю, йиғлаб юборибди.

Бировнинг пок туйғусига бундай тупуриш нақадар разиллик?

Баъзи идораларда ёнма-ён хоналардаги телефонлар параллель бўлади. Бир одамга бирор киши телефон қилса, учинчи шахс қўнғироқнинг ўзига тегишли эмаслигини билса-да, трубкани қўймайди. Икки кишининг сирли суҳбатини филқулоқ бўлиб, «ташналик» билан эшитади. Бундай одам иғвогар, гап ташир, кўнгли қора бўлади.

Биз юқорида айтганга ўхшаш кўнгилгиз воқеалар бўлмаслиги, дил шикастланмаслиги учун телефондан фойдаланганда ниҳоятда ширинсуҳан, ёқимли муомалада бўлайлик.

Хуллас, яхши сўз, яхши муомала жонга озиқ, руҳимизга қувват беради. Бир шоир айтган экан:

Ширин сўзи бўлмайин,
Ҳайвон-ҳайвон мангу бил!
Дағал сўз дил ойнасин,
Тошдек синдирар чил-чил.
Ширин сўзли тилингни
асло дағал этмагин.
Дағал сўзлаб инсоннинг
Кўнглини оғритмагин.

Дилбар ПЎЛАТОВА.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/III да **Борис Годунов**, 18/III да **Оққуш кўли.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/III да **Хотинимнинг эри**, 18/III да **Тўйдан олдин томоша.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **18 мартдан бошлаб «ШОУ» электрон иллюзионли манзара» аттракционининг гастроллари** (19.30).

КИНО

17 МАРТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВГИ УЧУН ЖУДА ЁШ» — **Санъат саройи** (18.30, 20.30, телефон 44-21-74).

«УЙЛАНГАН БЎЙДОҚ» — **Қозоғистон** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«СОЯБОН ЗАРБИ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Ватан** (жуфт соатларда), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«36—80 КВАДРАТИДАГИ ҲОДИСА» — **С. Раҳимов номли** (17, 19, 21.00, телефон 48-46-71).

«БУТПАРАСТ СОҲИБЖАМОЛ» — **Янгиобод** (15, 17, 19, 20.45, телефон 96-36-21).

«ТРЮКЧИ» — **К. Ерматов номли** (17, 20.00; 18, 21.00, телефон 24-22-66).

18 МАРТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СЕВГИ УЧУН ЖУДА ЁШ» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.30, телефон 44-21-74).

«УЙЛАНГАН БЎЙДОҚ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **С. Раҳимов номли** (17, 19, 21.00, телефон 48-46-71), **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 48-42-60).

«ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ» — **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92).

«СОЯБОН ЗАРБИ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Ватан** (жуфт соатларда), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«БУТПАРАСТ СОҲИБЖАМОЛ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Янгиобод** (15, 17, 19, 20.45, телефон 96-36-21).

«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТРЮКЧИ» — **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07), **К. Ерматов номли** (11, 12, 14, 15, 17, 18.20, 21.00, телефон 24-22-66).

«СЕВСАНГ СЕВАВЕР, АММО АҚЛИНГНИ ЙЎҚОТМА» — **Юрича** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ МАГАЗИНЛАРИГА

топширилган макулатурага берилган абонементлар бўйича сотиш учун

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси томонидан нашр этилган Ч. Диккенснинг **«Приключения Оливера Твиста»** китоби

САВДОГА ЧИҚАРИЛДИ

«Строймеханизация» трести 3-Механизация бошқармасининг йўқолган квартал бурчакли штамплари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ташоблмебельбит» Тошкент область ишлаб чиқариш бирлашмасининг Калинин тажриба-экспериментал корхонасига берилган **йўқолган**

думалоқ печать ва касаба союз маҳаллий комитетининг бурчакли штампи

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Саноат қурилиш материаллари министрлигининг «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига берилган ГТ—1 2549301 дан 2549400 гача; ГТ—1 26469901, 2646902, 2646903, 2646904, 2646905, 2646917, 2646918, 2646921, 2646922, 2646923, 2646924, 2646932, 2646933, 2646939, 2646940, 2646941, 2646942, 2646943, 2646944, 2646945, 2646946, 2646947, 2646948, 2646949, 2646950, 2646979, 2646980, 2646987 номерлардаги йўқолган

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Узбекзолотострой» шахта-қурилиш бошқармаси томонидан моддий-техника таъминоти бўлими бошлиғи О. С. Бақоев номига берилган 26 ва 42-сонли йўқолган

ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

127-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983 — 84 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТИКУВЧИ (эркаклар, болалар кийимлари; бичишни билган ҳолда).

Кириш имтиҳони — расм бўйича. Ўқиш муддати — 2,5 — 3,5 йил;

ЭРКАКЛАРНИНГ УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ТИКУВЧИ. **Ўқиш муддати — 2—2,5 йил;** ЭРКАКЛАР ВА БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА. **Ўқиш муддати — 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 1 йил,** шу ихтисос бўйича ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида таълим олганлар учун — 6 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 2—3 йил.

Билим юртини 3 йиллик таълим программаси бўйича тугатганларга ихтисоси бўйича ва тўла ўрта маълумоти тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш давомида 8 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ўқувчилар давлат таъминотида бўладилар, 10 синф ҳажмида маълумотлиларга ойига 30 сўм миқдорида, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатини тугатганларга 70 сўмдан стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, ота-оналарининг иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), директор номига ариза, 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), мактабдан характеристика.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адреслар: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси территорияси (2, 9, 19, 21, 26, 51, 60, 72, 81, 47, 62, 89, 94-автобуслар; 2, 16, 25, 28, 3, 22, 23-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Магазин Мавзук кўчаси, 136-уй Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали территорияси (43, 88, 102-автобуслар; 27-трамвайнинг «Шимолий Олмазор» бекати).

Билим юрти телефони — 35-62-41.

«АВТОДЕРМЕХБАЗА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТРЕСТИ

ИХТИСОСЛАШГАН ОТРЯДИНИНГ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИ

(Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 49-уй)

кўчиб ўтганлиги муносабати билан дайдиб юрувчи ҳайвон (итлар, мушуклар)**ни тутиб, олиб кетиш масалалари юзасидан қуйидаги телефон номерлари бўйича мурожаат қилиш зарур: 66-18-08, 66-18-71.**

Ўрта Осиё темир йўлининг

ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИГА

капитал қурилиш бўлими бошлиғининг ўринбосари, совутиш-технология ускуналари бўйича катта инженер, катта бухгалтер, зоотехник

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона— Аҳолини ишга жойлаштириш бюросининг марказий пункти.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ

ёшларни олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлайдиган

МАРКАЗИЙ КУРСЛАР

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар она тили ва адабиёт, СССР тарихи ва чет тилларидан ўзбек ва рус тилларида ҳафтасига уч марта кеч соат 19.00 дан университет биносида (Студентлар шаҳарчаси) олиб борилади.

Тайёрлов курсларига кирувчилар университет ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси (10-синф ўқувчилари учун мактабдан справка), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 2 та фотосурат, иш жойидан справка (ўрта маълумотлилар учун).

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (шанба ва якшанбадан ташқари) СОАТ 18.00 ДАН 20.00 ГАЧА **ТошДУ бош корпусининг «А» бўлими, математика факультетининг 5-қават, 501-хонасида** ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС БОШҚАРМАСИ ЭНЕРГЕТИКА ХЎЖАЛИГИ ХИЗМАТИ

контактли тармоқларининг электромонтёрлари ва тортиш кучи берадиган ёрдамчи станцияларининг навбатчи электромонтёрларини тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Ўқиш муддати контактли тармоқларнинг электромонтёрлари учун — 3 ой. Стипендия — 10 сўм, ёрдамчи станциялар навбатчи электромонтёрлари учун — 6 ой. Стипендия — 60 сўм.

18 ёшдан кичик бўлмаган шахслар қабул қилинади.

Елғиз кишилар ётоқхона ва Тошкент шаҳрида прописка билан таъминланадилар.

Адресимиз: Тошкент шаҳри, 29-алоқа бўлими, Ўзбекистон кўчаси, 41«а»-уй, (1, 3, 5, 7, 8, 11, 13, 22-трамвайлар, 69-автобуснинг «Тошкент» меҳмонхонаси бекати; 51-автобуснинг «Ленин номидаги майдон» бекати).

ЧИРОЙЛИ ТУГМАЛАР

ЯНГИ КОСТЮМИНГИЗ ЁКИ КОФТАЙГИЗИНГНИНГ ҲАҚИҚАТДА ҲОЗИРГИ МОДАДА БЎЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Дид билан танланган тугмалар костюмга ўзига хослик ва хушбичимлик, ёркинлик ва жозибадорлик бахш этади.

ЧИРОЙЛИ КАМАРБАНД ВА КАМАРЛАРЧИ?

Улар ҳам тугмалар каби либосингизнинг ажралмас қисми эмасми. Уларни ўринли танлаш муҳимдир, шунда либосингиз композицион жиҳатдан мукаммал бўлади.

Каблуков кўчасида, Олой бозорининг ичида, «Гуллар» магазини яқинида жойлашган 2- устахона сизни тугмалар, камарбанд ва камарлар сотиб олиш учун таклиф этади.

Бу ерда сизга «Илғор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг турли-туман буюмларини таклиф этишади. Эътибор бериб қарасангиз, турли шакл ва ранглардаги буюмлар орасида ўзингизга керагини топасиз, чунки «Илғор» мутахассислари харидорлар талаб-эҳтиёжини, мода талабларини доимий равишда ўрганиб борадилар. Бу эса уларнинг маҳсулотини ҳаммамизга керакли ва манзур қилади.

«ИЛҒОР» БИРЛАШМАСИ УСТАХОНАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Ҳурматли харидорлар, исталган диддаги тугмалар, камарбандлар сизга мунтазир.





ПОЙАФЗАЛ ВА ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ БУЮМЛАРИНИ ЯККА ТАРТИБДА ТИКИШ ВА РЕМОНТ ҚИЛИШ «ИЛҒОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДИЗЕНФЕКЦИЯЛАШ СТАНЦИЯСИНИНГ ПРОФИЛАКТИК ДИЗЕНФЕКЦИЯ БЎЛИМИ

1983 йил учун

корхоналар, ташкилотлар, шахсий уй ҳайвонлари бўлган гражданлар билан дезинфекция ва дератизация ўтказиш (уй ҳашаротлари—пашша, сувараклар ва сичқон, каламушларни йўқотиш) **юзасидан**

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Шахсий уй ҳайвонлари бўлган гражданлардан, шахсий уй-жойи бўлган гражданлардан ҳам юқорида санаб ўтилган ишларни бажариб бериш учун турли буюртмалар қабул қилинади.

ҚУЙИДА БИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ РАЙОН ПРОФИЛАКТИК ДЕЗИНФЕКЦИЯ БЎЛИМЛАРИ АДРЕСЛАРИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

А. ИКРОМОВ РАЙОН БЎЛИМИ

Чилонзор массиви, 22-квартал, «Мосгородок» шаҳарчаси, телефон 76-36-26 (41, 33, 13, 2, 87, 75-автобусларнинг «Подмосковная» бекати).

КИРОВ РАЙОН БЎЛИМИ

Папанин кўчаси, 19-уй, телефон 33-11-56 (51, 72«э», 60 «э», 115«э» автобусларнинг «Олой бозори» бекати, 19-автобуснинг «В. Малясов кўчаси» бекати; 2, 16, 23, 25, 28-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати).

КУЙБИШЕВ РАЙОН БЎЛИМИ

Некрасов кўчаси, 2-уй, телефон 33-72-41. (1«э», «Союзнихи-Сквер», автобуслар; 4, 5, 17, 18-троллейбуслар).

ЛЕНИН РАЙОН БЎЛИМИ

Помир кўчаси, 13-уй, телефон 91-13-64 (25, 39, 61, 66 автобусларнинг «Авиашаҳарча» бекати; 2, 10-трамвайларнинг «КЮР клуби» бекати).

С. РАҲИМОВ РАЙОН БЎЛИМИ

У. Юсупов кўчаси, телефон 41-19-35, (44, 48-автобуслар; 10-троллейбус, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати).

ОКТЯБРЬ РАЙОН БЎЛИМИ

Қоратош кўчаси, Киев проезди, 1-уй, телефонлар: 44-30-35, 44-27-94 (28«э», 42, 38, 53, 59-автобуслар, 8, 18-троллейбуслар; 7, 8, 11, 15, 16-трамвайларнинг «Хадра майдони» бекати).

СЕРГЕЛИ РАЙОН БЎЛИМИ

Марказ — 3 квартали, 5-уй, телефон 53-84-33 (40, 58«э», 75 автобусларнинг «Райисполком» бекати; 19-троллейбуснинг «Тинчлик» кинотеатри бекати).

ҲАМЗА РАЙОН БЎЛИМИ

Октябрь 10 йиллиги кўчаси, 34-уй, телефон 91-13-64 (5, 22-автобусларнинг «Шумилов шаҳарчаси» бекати).

ЧИЛОНЗОР РАЙОН БЎЛИМИ

Аллея тупиги, 65-уй, телефонлар 44-37-32, 44-59-12 (13, 51-автобуслар, 2, 7-троллейбусларнинг «Комсомол кўли» бекати).

ФРУНЗЕ РАЙОН БЎЛИМИ

Чкалов кўчаси, 44-уй, телефон 56-31-15 (54, 57«э», 58«э»-автобуслар, 9, 13, 15, 16-троллейбуслар; 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Россия» меҳмонхонаси» бекати).

Ўзбекистон республика сувдан сақлаш жамиятининг Марказий Совети

нақд пул ўтказмаган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш йўли билан

баҳоси 2052 сўм бўлган «УК—1М» СОТАДИ

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, 84-алоқа бўлими, Хуршид кўчаси, 6-уй, «Ғалаба» боғи, УзОСВОД Марказий Совети.

ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИНИНГ ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЎЛИМИ

Мудофаа министрлигининг туристик базаларига бориш учун ТУРИСТИК ПУТЕВКАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Путёвкаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш мумкин.

Справкалар олиш учун телефонлар: 62-77-04, 69-34-31.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«СОЮЗПЕЧАТЬ» МАГАЗИНЛАРИ

АҲОЛИДАН

фойдаланилган, бироқ ҳамон эътиборга молик журналларни кейинчалик арзонлаштирилган баҳода реализация қилиш учун

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

1976 йилда ва шундан кейинги йилларда нашр қилинган журналлар комплектланган ҳолда алоҳида сонлари қабул қилинади.

Аҳолидан сотиб олиш учун қабул қилинадиган журналлар рўйхати

МАРКАЗИЙ ЖУРНАЛЛАР:

«Аврора», «Библиотека подвига и приключений», «Вокруг света», «Дружба народов», «Журнал мод», «За рулем», «Звезда», «Знамя», «Иностранная литература», «Известия», «Катера и яхты», «Модели сезона», «Молодая гвардия», «Наука и жизнь», «Новий мир», «Радио», «Ровесник», «Роман-газета», «Силуэт», Советское фото», «Техника молодёжи», «Человек и закон», «Шахмати в СССР», «Юность», «Юний натуралист».

РСФСР ЖУРНАЛЛАРИ:

«Москва», «Наш современник», «Нева», «Октябрь».

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЖУРНАЛЛАРИ:

«Звезда Востока», «Шарқ юлдузи», «Фан ва турмуш», «Ёшлик».

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ЖУРНАЛЛАРИ:

Болгария Халқ Республикаси — «Божур», «Лада», «Наш дом», Германия Демократик Республикаси — «Прамо», «Киндэркляйдунг», Руминия Социалистик Республикаси — «Мода».

Чехословакия Социалистик Республикаси — «Одивани», «Жена и мода», «Мода».

ТВ

17 МАРТ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.15 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари». 18.00 «Шахмат мактаби». Бошловчилар синфи. 18.30 «Миллионлар ленинча университети». Меҳнат — жамият—инсон». «Красний пролетарий» заводи намунасида коллективда ўзаро муносабат маданияти. 19.00 «Расмларда қўёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Балет артистларининг концерти. 20.00 Футбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. 1/4 финал. «Гамбург» (ГФР) —«Динамо» (Киев), ГФРдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — МАСК. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.00) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Рўпарамда турган киши». Ҳужжатли фильм. 19.00 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг халқаро фестивали. «Афғонистон. Халқ ижоди». 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, ничкинтойлар». 20.45 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 21.15 Р. Шуман. «Уч романс». 21.30 «Время». 22.00. «Нон, туз... ва яхши кайфият». Телевизион бадиий фильм премьераси. (ГДР). 23.15 СССР халқ артисти А. Ведерников концерти.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.50 КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 й.) Пленуми қарорлари—ҳаётга! «Ҳар бир иш жойида». 19.20 Врач суҳбати. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 С. Айний номидаги Самарқанд Давлат Педагогика институти студентларининг чиқиши. 20.30 «Ахборот». 20.50 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Пахтакорларнинг баҳорги юмушлари». 22.20 Экранда—кинокомедия. «Қиз ўгирлаш». 23.45 Янгиликлар.

18 МАРТ — ЖУМА

ПАРИЖ КОММУНАСИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси»

17.05 Арманистон телевидениеси ва радиоси скрипкачилари ансамблининг концерти. Еревандан олиб кўрсатилади. 17.25 «Мактабга истеъдодлилар керак». В. И. Ленин номли Москва Давлат педагогика институти ва унинг битирувчилари ҳақида. 17.55 Конькида югуриш спорти бўйича халқаро мусобақалар. Олмаотадан олиб кўрсатилади. 18.30 Мактаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Черкаск областидаги «Радяньска Украина» колхозининг раиси Л. А. Иваницченко билан учрашуви. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан ва турмуш». «Антарктидага командировка». 3-кўрсатув. 20.00 Магадан область бадиий коллективларининг концерти. 20.25 «Барбод бўлган трест». Кўп сериали телевизион бадиий фильм премьераси. О Генри ҳикоялари мотивлари асосида. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Биринчи курьер». Бадиий фильм. «Мосфильм» ва София бадиий фильмлар киностудияси. 23.30 «Рус музейи». 24.00 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Ўсмирлар учун. «Бирга бўлсак ҳаммамиз» (такрорий). 12.10 «Замондошларимиз. Ҳужжатли фильм. («Ўзкинохроника»). 12.30 Жамиятшунослик. Совет жамияти социал ва синфий структурасининг ривожланиши. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мультфильмлар. 18.40 Ал-Хоразмий туғилган куннинг 1200 йиллигига. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Ал-Хоразмий юбилейига. 19.15 «Қўзилатиш мавсуми — масъулиятли давр». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Инсон ва қонун». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ўрик гуллаганда». Музикали-адабий композиция. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Ўзбектелефильм» 1982 йил». Кинокўрсатув (рус).

СССР Медицина фанлари академияси қошидаги Вирусология институтининг Ўзбекистон филиали коллективи институтнинг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Д. М. Алиевга рафиқаси

Лутфинисо Носировна ОҚМИРЗАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг марказий шаҳар болалар консультация-диагностика поликлиникаси коллективи шу поликлиниканинг бош врачи С. А. Ҳожибековага онаси

Ойша АБДУАЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БАҲОР ПОЙАФЗАЛЛАРИ

Баҳор йилнинг «инжиқ» вақтларидан эканлиги барчага маълум. Тонгда осмон мусаффо, тушда эса ҳаво булутланиб, ёмғир ёға бошлайди.

Баҳорда енгил, нам шиммайдган оёқ кийим зарур.

«ТАШОБУВЬТОРГ»НИНГ 10 ВА 24-МАГАЗИНЛАРИДАН СИЗ МАВСУМГА МОС ОЕҚ КИЙИМ ТАНЛАБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Савдода эркакларнинг баланд пошнали қўнжсиз ботинкалари мавжуд. Уларнинг ранги—сариқ. Тагчарми полиуретандан ишланган. Баҳоси —41 сўм.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ.

10— Луначарское шоссеси (марказ),
24— Новза қозиробод массиви, 1— Ўсмир проезди, 15«а»-уй.

«ТАШОБУВЬТОРГ».

ЯНГРАЙДИ ШАРҚ ТАРОНАСИ...

Ҳаётимизни қўшиқсиз, музикасиз тасаввур қилиб бўлмаганидек турмушимизни чолғу асбобларисиз тасаввур этишимиз ҳам қийин.

РУБОБ ЧОРЛАИДИ

Рубоб Шарқнинг энг қадимий торли чолғу асбобларидан биридир. Ўрта Осиё территориясида у дастлаб VIII—XI асрларда тилга олинади. Аммо, бугунги кунда ҳам рубоб жаранглидор куйи билан ўзига жалб этади.

Рубоб жўрлигида кўҳна ва замонавий ўзбек қўшиқлари ижро этилади.

ДОИРА РАҚСГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Доира бубен типидаги зарб билан чалинадиган чолғу асбобидир. У Ўзбекистон, Тожикистон ва Закавказье республикаларида кенг тарқалган.

Доира чолғу ансамбллари составига киради.

Доирада мураккаб товуш фигуралари зўр маҳорат билан ижро этилади. Кўпинча халқ рақслари фақат доира жўрлигида ўтади.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Миллий чолғу асбоблари — рубоб, дойра, сурнай, карнай, дутор, най кабиларни сиз қуйидаги магазинлардан сотиб олишингиз мумкин:

3 — Халқлар дўстлиги проспекти, 4-уй.
4 — Куйбишев шоссеси, 850-уй.
10 — Муқимий кўчаси, 1-уй.
15 — У. Юсупов кўчаси, 95-уй.

«ТАШҚУЛЬТТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЯ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02. бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат —32-53-83; қурилиш —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар —32-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери —32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

17 МАРТ, 1983 й. Р —07128. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошк